Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 3-iyun, seshanba № 68 (3417)

*Жондан азиз Ватанимизнинг тақдири, келажагимиз бугун униб-ўсиб келаётган ёш авлодга, унинг жисмоний ва маънавий камолотига боғлиқ.*

**Ислом КАРИМОВ**

# Жиззахда кўришгунча хайр, «Баркамол авлод»!

## Наманган шаҳрида «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларининг финал босқичи якунланди

**Жорий йилнинг 29 май куни катта байрам дастури билан бошланган «Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақалари қизғин ва муросасиз баҳсларга бой бўлди. Беллашувларда спортчилар катта иштиёқ ва шижоат билан иштирок этди. «Навбаҳор» стадионида порлаган машъала ёшлар қалбида ғалабага бўлган ишончни алангалатиб турди.**

Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодга кўрсатилаётган улкан эътибор ва яратилаётган кенг имкониятларга жавобан юксак ва қатъий мақсад, эзгу орзулар билан буюк келажак сари интилаётган бу ёшлар ҳар қанча олқишга муносиб. Улар орасидан халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган бўлажак жаҳон ва Олимпиада чемпионлари етишиб чиқишига шубҳа йўқ.

«Баркамол авлод» мусобақаларида қатнашган ёшларнинг иқтидори ва маҳорати мунтазам ошиб бораётганини ёш спортчиларимиз халқаро майдонларда салмоқли ютуқларга эришаётганида ҳам кўриш мумкин. Ёшларни комиллик сари ундаётган мазкур спорт анжуманида иштирок этаётганлар орасидан кўплаб маҳоратли спортчилар етишиб чиқди. Улар Олимпиада ва Осиё ўйинлари, қитъа ва жаҳон чемпионатларида совринли ўринларни қўлга киритаётир.

*(Давоми 4-саҳифада).*

## Касаба уюшмалари — болаларга

***Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, бу ўлкада туғилган ҳар бир фарзаднинг келажаги порлоқдир. Истиқлол йилларида болаларнинг манфаатларини ҳимоялаш ва саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлод тарбияси борасида амалга оширилаётган тизимли ишларни жаҳон ҳамжамияти ҳам кенг эътироф этмоқда.***

# Келажаги порлоқ фарзандлар

Мазкур йўналишлардаги ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан кенг кўламли ишлар йўлга қўйилиб, қатор тадбирлар ўтказилаётир. Айниқса, Соғлом бола йилида жисмонан баркамол, маънан етук ёш авлодни тарбиялаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, саломатликларини мустаҳкамлаш масалаларига касаба уюшма ташкилотлари алоҳида эътибор қаратмоқда. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида корхона, ташкилот ва муассасалар жамоа шартномалари орқали ижтимоий ҳимояталаб оилалар фарзандларига ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилинаяпти. Кам таъминланган оилалар фарзандларининг чет тилларни ўрганишига кўмаклашилмоқда. Федерация Кенгаши томонидан ўтказиб келинаётган «Касаба уюшмалари — болаларга» доимий акцияси доирасида эса эртамиз эгалари ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, кам таъминланган оилалар фарзандларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилаётир.

1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номли маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси ўтказилди. Унга маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари ҳамда «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари таклиф этилди.

Карнай-сурнай садолари остида кутиб олинган болажонларга касаба уюшмаларининг махсус совғалари ҳадя этилди. Хусусан, «Меҳрибонлик» уйларининг 2 минг нафар тарбияланувчисига, кам таъминланган оилалар фарзандларига, 500 нафар иқтидорли ўғил-қизларга болалар соғломлаштириш оромгоҳларига бепул йўлланмалар берилди. Кам таъминланган оилаларнинг 50 нафарга яқин фарзандлари совғалар ва истироҳат боғлари, театрларга имтиёзли чипталар билан тақдирланди.

— Шодлигимиз ичимизга сиғмайди, — дейди пойтахтимиздаги 24-«Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиси Сардор Сангинов. — Аттракционларда маза қилиб учиб, концерт дастурларини томоша қилаяпмиз...

— Биз, болалар учун тақдим этилаётган томошалардан олам-олам завқ олаяпмиз, — дея суҳбатга қўшилади Сайдислом Ғаниев. — Бизни ҳаммадан ҳам хурсанд қилгани, бу бизга ёзги таътилни оромгоҳларда мароқли ўтказиш имконияти берилгани бўлди.

Мазкур акция доирасида касаба уюшмалари Федерациясининг Ёшлар кенгаши томонидан «Мурувват» ҳамда «Меҳрибонлик» уйлари касаба уюшмалари эътиборида» тадбири ўтказилиб, Республикамиз ҳудудларидаги 14 та «Мурувват» ва «Меҳрибонлик» уйларига компютер жамланмалари тақдим этилди.

«Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасидаги бу каби тадбирлар республикамизнинг барча вилоятларида бўлиб ўтди. Масалан, «Биз Мустақиллик фарзандларимиз» шиори остида ташкил этилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 40 нафардан жами 560 нафар болажон учун Самарқанд, Бухоро, Хива ҳамда Тошкент шаҳарлари бўйлаб саёҳатлар уюштирилди. 7000 нафар ўғил-қиз музейлар, Қўғирчоқ театрлари, ботаника, ҳайвонот, маданият ва истироҳат боғларида бўлиб, мароқли ҳордиқ чиқарди. Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан республикамизнинг турли ҳудудларидаги маданият муассасаларида фаолият юритаётган болалар бадиий жамоалари ўртасида «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танловининг республика босқичи тадбирлари ҳам байрамга ҳамоҳанг тарзда ўтказилмоқда.

*(Давоми 2-саҳифада).*



## 5 июн — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни

***Мамлакатимизда 5 июн — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни муносабати билан экология ҳафталиги ўтказилмоқда. У Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.***

# Экология ҳафталиги бошланди

Шу муносабат билан уюштирилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Экологик ҳаракат ижроия қўмитаси марказий кенгаши раиси Б.Алихонов, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Абдусаматов, БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили С.Приснер ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда табиий мувозанатни сақлаш, ер ости ва ер усти захираларидан оқилона фойдаланишга қаратилаётган доимий эътибор барқарор ривожланишга эришишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда табиатдан фойдаланишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси ва иқтисодий механизмлари яратилган. Тўрт юздан ортиқ қонун ва қонун ости ҳужжати бу борадаги ишларда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, экологик қонунчилик янада такомиллаштирилмоқда. 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонун экологик лойиҳалар кўламини кенгайтириш, бу жараёндаги устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлашда жиддий қадам бўлди.

Ўзбекистонда экологияга оид ўндан зиёд халқаро конвенция ратификация қилинган ва уларда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича кенг кўламли лойиҳалар амалга оширилаётир. Биологик хилма-хилликни асраш, ўрмонларни кенгайтириш, йўқолиб бораётган ҳайвон ва ўсимлик турларини муҳофазалаш, чиқиндиларнинг инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш, чўлланиш ва иқлим ўзгаришига қарши кураш, сувни тежашга йўналтирилган лойиҳалар бунга мисолдир.

Ушбу йўналишда изчиллик билан амалга оширилаётган стратегик дастурлар самарасида юртимизда сув, ҳаво, тупроқ мусаффолигини асраш, аграр тармоқда сув сарфини камайтириш, чиқиндиларни зарарсизлантириш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни кенгайтириш, ноёб турларни кўпайтириш, табиий муҳит барқарорлигини таъминлашда сезиларли натижаларга эришилмоқда.

Аньанавий тарзда ўтказилаётган экология ҳафталиги бу борадаги ишлардан халқимизнинг хабардорлигини ошириш, табиатни асрашга оид тадбирларда кенг жамоатчилик, хусусан, ёшларнинг фаоллигини кучайтириш, жамиятимизнинг барча соҳаларида табиий барқарорликка хизмат қиладиган яшил технологияларни жорий этишда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳафталик доирасида юртимизнинг барча ҳудудида турли акциялар, оммавий тадбирлар, кўргазмалар ташкил этиш кўзда тутилган. Пойтахтимиз ва вилоятлардаги бир қатор олий ўқув юртлари ва академик лицейларда экологик қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари, барқарор ривожланишга хизмат қиладиган замонавий технологиялар ва уларни амалиётга татбиқ этиш масалаларига оид илмий анжуманлар, семинарлар, давра суҳбатлари, ёш ижодкорлар танловлари ўтказиш режалаштирилган. Тадбир доирасида замонавий саноат корхоналарида қўлланилаётган яшил технологиялар намойишига оид экологик медиатурлар уюштирилади.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Косон туманидаги «Косон ривож текстил» хусусий корхонасида тиқилаётган турли рангдаги футболчилар формаси, эркаклар кўйлаги, машина-трактор парклари ходимлари учун иш кийимлари буюртмачиларга манзур бўлмоқда.***

# Хусусий корхонада

Бир йил муқаддам касб-ҳунар коллежини битирган Лобар Қурбонова раҳбарлигидаги жамоа тижорат банкидан 39,5 млн. сўм кредит олиб ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди. Жанубий Кореядан келтирилган тикиш машиналари ва бошқа жиҳозлар тўла қувват билан ишлагани боис, мижозларнинг буюртмаси ўз вақтида сифатли бажарилмоқда.

— Меҳнатимиз яхши самара берди, — дейди Лобарнинг онаси Моҳира Нуруллаева. — Қизим «Ташаббус — 2014»нинг туман босқичида «Энг яхши тадбиркор» деб топилди. Бундай рағбат кичик жамоамизни янги марралар сари руҳлантирди. Яқинда туман марказининг гавжум жойида маҳсулотларимиз билан савдо қиладиган дўкон очамиз.

**Иззат ҲИКМАТОВ**

## «Ҳамшира — 2014»

***Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Ҳамшира — 2014» танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Кўрик-танлов Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, «Камолот» ЁИҲ шаҳар кенгаши, Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали ҳамкорлигида ташкил этилди.***

# Қизғин беллашув

Унда пойтахтимиздаги даволаш-профилактика муассасаларида фаолият кўрсатаётган ҳамширалар ўз касб маҳоратларини намойиш этди. Иштирокчилар ҳамшира ташрифи-танишув, тиббиёт соҳасига доир назарий ва амалий билимлар, ижтимоий-сиёсий ва маънавий кўникмалари, бадиий кўрик шартлари бўйича беллашди. Танловда, айниқса, улар томонидан репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш ва соғлом оилани шакллантириш йўналишларида олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Қизғин беллашувлардан сўнг ғолиблар аниқланди. Натижаларга кўра, Ҳамза тумани 27-оилавий поликлиника ҳамшираси Нилуфар Нуриддинова 1-ўринга лойиқ топилди. Сергели тумани 1-туғруқ комплекси ҳамшираси Доно Жалолова ҳамда Учтепа туманидаги марказий кўп тармоқли поликлиника ҳамшираси Рухсора Раҳимова эса кейинги ўринларга сазовор бўлишди.

— Танлов жараёнида мамлакатимизда муваффақиятли амалга ошириб келинаётган «Соғлом она — соғлом бола» тамойилининг мақсади ва бу борада эришилаётган самарали натижалар, соғлом оилани шакллантириш, фертил ёшидаги хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш йўналишларида ҳамшира қизларнинг билим ва малакаси нечоғли юқори эканига амин бўлдик, — дейди Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент шаҳридаги масъул ташкилотчиси Гулноза Тошпўлатова. — Шарафли вазифада ишлаб халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган барча ҳамшираларга танловнинг кейинги босқичларида ҳам омад ёр бўлишига тилакдошмиз.

Ғолиб ва иштирокчиларга ҳамкорлар ҳамда Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда санъаткорлар ижросида мусиқали дастур намойиш этилди.

**Гўзал НОРЧАЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

# Барча гуллар Ғулбаҳорга

**Бухорода олий ва ўрта махсус маълумотли ҳамширалар ўртасида «Ҳамшира — 2014» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Вилоятдаги тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатиб, дастлабки босқичда ғолибликка эришган 18 нафар ҳамшира ўртасидаги баҳслар кескин кечди. Икки кун давом этган танловда улар республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марқази Бухоро филиалида амалий малакаларини синовдан ўтказди. Бу ерда уларнинг турли касалликларга чалинган беморларга ташхис қўйиш, замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш, муолажаларни бажаришдаги маҳорати, муомала ва касб маданиятига эътибор қаратилди.

Шундан сўнг иштирокчилар танлов шартларига кўра савол-жавоблар орқали ўз соҳаларига доир ва ижтимоий-сиёсий билимлари ҳамда санъатсеварлик бобидаги маҳоратларини намойиш этди.

Ҳакамлар хулосасига кўра, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ходимаси — олий маълумотли ҳамшира Гулбаҳор Сулаймонова биринчи ўринни эгаллади. У компютер тўплами билан мукофотланди. Шунингдек, иккинчи ва учинчи ўринларга Бухоро шаҳридаги 9-поликлиника вакиласи Умида Мирсаидова ҳамда Қоракўл туман тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Мавжуда Жўрақулова лойиқ кўрилди.

— Эл саломатлиги йўлида фидокорлик кўрсатаётган шифокорларимиз орасида 21 минг нафардан ортиқ ҳамширларнинг ҳам муносиб ўрни бор, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассиси Маъмурахон Сафоева. — Давр талабидан келиб чиқиб, уларнинг касб маҳоратини оширишга жиддий ёндашаяпмиз. Бу борада «Ҳамшира» кўрик-танлови ўтказилишининг ҳам аҳамияти катта бўлаяпти. Чунончи, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ходимларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш борасида ҳам ушбу тадбир беқиёс аҳамиятга эга.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

"Ishonch" — Сизнинг газетангиз

Нашр индекси — 133

Июл — декабр ойлари учун обуна бўлишни унутмадингизми?

Ishonch
2014-yil 3-iyun № 68 (3417)

# Келажаги порлоқ фарзандлар

***(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).***

Шунингдек, Федерация Кенгаши байрам муносабати билан ташкил этилган қатор маданий-маърифий ва спорт тадбирларига ҳомийлик қилди. Хусусан, пойтахтимиздаги «Истиқлол» санъат саройида «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ташкил этилган концерт дастури, ногирон болалар «Мурувват» уйлари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган спорт мусобақаларининг республика босқичи шулар жумласидандир.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, байрам арафасида касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда болалар хоналари ва майдончалари, улар учун ёзги ўйингоҳлар барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Жиззах вилоятида жойлашган «Зомин» санаторийсида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари бунга бир мисол бўлиши мумкин.

Жойларда «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасидаги тадбирлар давом этмоқда.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари.**
**Дилмурод РУСТАМОВ олган суратлар**

# Марокли саёҳат

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш» кунини байрам сифатида юқори савияда нишонлаш мақсадида ЎзКУФКнинг «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида «Биз Мустақиллик фарзандларимиз» шиори остида Сирдарё вилоятининг иқтидорли, спортда пешқадам, фанлар олимпиадаси ғолиблари ҳамда «Болалар шаҳарчаси» тарбияланувчилардан бир гуруҳининг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди.

Тарихий обидалар болажонларда катта таассурот қолдирди. Уларга ҳамроҳлик қилган етакчилар тарихий иншоотлар ҳақида ёш сайёҳларга етарлича тушунча беришди.

**Ўз мухбиримиз**

***Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Самарқанд вилоятида «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида кенг кўламли тадбирлар ўтказилди.***

# Кўнгиллардан ғуборлар ювилди

— Вилоят туман ва шаҳар касаба уюшма ташкилотлари томонидан 800 нафар «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган оила фарзандларининг қадимий шаҳарлар, обод манзиллар ҳамда сўлим табиат қўйнига саёҳатлари ташкил этилди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Акбар Абдусаидов, — «Мурувват» ҳамда «Меҳрибонлик» уйлари — касаба уюшмалари эътиборида» тадбири доирасида 9-«Меҳрибонлик» уйига бирлашма Ёшлар кенгаши томонидан компютер жамланмаси топширилди.

Болаларга унутилмас лаҳзалар ҳадя этувчи байрам ўзига хос тадбирлар билан бойитилмоқда.

— Таътил бошланган кезларда катталарнинг бутун меҳр-эътиборини юракдан ҳис этамиз, — дейди 6-«Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиси Бекзод Абдуғаниев, — Бизга чинакамига ғамхўрлик кўрсатиб келаётган саховатпешалардан беҳад миннатдормиз.

Байрам арафасида ЎзКУФК қошида фаолият кўрсатиб келаётган «Касаба сайр» шўъба корхонаси ташаббуси билан Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Навоий ва Самарқанд вилоятлари «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларидан 200 нафарининг кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқандга саёҳати ташкил этилди. Жажжилар буюк бобокалонларимиз томонидан бунёд этилган тарихий обидалар, муборак қадамжолар, замонавий иншоотлар билан яқиндан танишдилар.

— Афсонавий Самарқанд ҳақида кўп эшитганмиз, китобларда ўқиганмиз. Аммо ёзилганидан-да мафтункор Самарқанд бизни ўзига тамомила мафтун қилди, — дейди Сирдарё вилоят болалар маҳалласида яшовчи Дилбар Мирзаева. — Касаба уюшмалари томонидан бизга яратилган шароит боис, қадим Регистон, Шоҳизинда, Гўри Амир мақбараларини зиёрат қилдик. Илми нужум султони Мирзо Улуғбек бобомиз музей-мажмуаси билан яқиндан танишдик. Барча тенгдошларимизга кўҳна диёрдаги мўъжизаларни сўзлаб берамиз.

Бешта вилоятдан келган «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандлари учун «Маржон» қаҳвахонасида самарқандлик санъат усталари ва ёш ижрочилар томонидан катта концерт ва томошалар дастури намойиш этилди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Болалик беғубор фасл. У хотирадан ўчмайдиган гўзал лаҳзалару ширин орзуларга тўла. Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғига кириб борарканмиз, бир томонда бизни қарши олаётган эртак қаҳрамонларига боқиб, бир ёнда турли хил ўйингоҳларни тўлдириб турган болажонларнинг шодон кулгуси қулоғимизга урилиб, ёшлик онларимизга қайтгандек бўлдик.***

# Болаларга беринг дунёни

— Дам олиш кунлари набираларим билан мана шундай кўркам масканларга келиб турамиз, — дейди юзидан нур ёғилиб турган Манзура ая. — Истиқлолнинг дориламон кунларида фарзандларимизга яратилган шароитларни кўриб, фахрланаман. Қалбим қувончга тўлади.

Янграётган куй-қўшиқлар ва жажживойларнинг гўзал чиқишлари барчани томошагоҳ томон чорлайди. У ерда эндигина уч ёшни қаршилаган ўғли Жаҳонгирнинг бийрон-бийрон саволларига батафсил, шошмасдан жавоб бераётган Нодира опани суҳбатга тортдик.

— Она учун фарзандининг кулгусидан-да ортиқ бахт бўлмаса керак. Фарзандларим Шаҳноза ва Жаҳонгирга бу гўша қадрдон, таниш. Уларга истироҳат боғи жуда ҳам ёқади, — дейди опа мамнун.

Чопқиллаб ўйнаб юрган Аслиддинни тўхтатиб, келажакдаги ким бўласан, дея савол бердик.

— Катта бўлсам аскар бўлиб, Ватанимга хизмат қиламан, — деди у комил ишонч билан.

Ота-она бағрида, дўстлар даврасида, барчанинг меҳр-муҳаббатга тўла нигоҳлари остида оламга сиғмай ўйин-кулгу қилаётган обод юртнинг бу бахтли болалари келажакда етук мутахассис, юрт корига ярайдиган инсонлар бўлиб етишиши шубҳасиз.

**Гулноза МИРЗАЕВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

# Қувонч улашилди

***Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳамда бошқарма бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан хизмат вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандларини байрам билан қутлаш мақсадида тадбир ташкил этилди. Ташриф буюрган болажонлар ва уларнинг оналари гуллар билан қарши олинди.***

Йиғилишда шаҳар ИИББ бошлиғи Мирсамад Адилов, бошлиқ ўринбосари Абдураҳим Халилов, бирлашган касаба уюшма ташкилоти раиси Маҳмуджон Ёқубов сўзга чиқиб, йиғилганларни байрам билан табриклашди ва болажонларга совға-салом тақдим этишди. Шундан сўнг, ИИББ биноси ҳовлисидаги «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гулчамбар қўйилди.

— Хизмат вазифасини бажариш пайтида ҳалок бўлган ҳамда тан жароҳати олиб ногирон бўлиб қолган ходимларнинг фарзандларини ҳар йили байрам муносабати билан табриклаш анъанага айланган, — дейди бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Маҳмуджон Ёқубов.

Тадбир давомида болакайлар автобусларга ўтириб пойтахтимиздаги «Дисней ленд» боғига йўл олди. Улар шу куни маданият ва истироҳат боғида ҳам бўлиб, маза қилиб ҳордиқ чиқаришди.

**Ўз мухбиримиз**

■ Ёзги соғломлаштириш

# Ҳар йилгидан бошқача

***Сирдарё вилоятида «Ёз — 2014» мавсуми давомида қарийб 4,5 минг нафар ўғил-қиз соғломлаштирилади. Шу муносабат билан касаба уюшмалари томонидан мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан семинар ташкил этилди. Унда Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар бошқармаси, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ вакиллари, оромгоҳ раҳбарлари ва бош етакчилар қатнашди.***

Болажонларнинг ёзги дам олиш мавсумини мазмунли ташкил этиш мақсадида ҳар йилгидан фарқли равишда ихтисослаштирилган тўғараклар, жумладан, Сирдарё туманидаги «Ҳумо» оромгоҳида экология йўналишида, Гулистон шаҳридаги «Қалдирғоч» оромгоҳида техник йўналишда, Янгиер шаҳридаги «Қалдирғоч» оромгоҳида бадиий ижодиёт йўналишларида фаолият юритиши режалаштирилган.

Туман ва шаҳарларда ташкил этиладиган 13 та кундузги оромгоҳларда фаолият юритадиган 91 нафар педагог тарбиячилар, тиббиёт ходимлари, спорт мураббийлари, кутубхоначилар, ошхона ходимлари зарур йўриқномалар, методик қўлланмалар билан таъминланди. Оромгоҳлар ҳудуди, бинолари, маънавият хоналари миллий ва умуминсоний қадриятларга мос стендлар, кўргазмали қуроллар билан безатилди. Шунингдек, мутасаддилар учун ўқув курслари ташкил этилди.

— Кундузги оромгоҳлардаги болалар уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланади, — дейди Сирдарё вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Улуғбек Мамарасулов. — Шу мақсадда ҳомийлар ва маҳаллий бюджет ҳисобидан 170 миллион сўмга яқин маблағ сарфланади.

Оромгоҳларда ташкил этилган кутубхоналарга Гулистон туман ахборот ресурс маркази томонидан Президент асарлари, замонавий бадиий адабиётлар, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларга бағишланган рисолалар етказиб берилди.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

***Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида ўтказилган семинар «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги 67-сонли қарори билан тасдиқланган «Республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш Концепцияси» талаблари асосида мактаб ўқувчиларининг 2014 йил ёзги соғломлаштириш мавсумини ташкил этишда мутасадди ташкилот ва муассасаларнинг вазифаларига бағишланди.***

# Фойдали мулоқот

Вилоятда ҳар йили болаларни ёзги соғломлаштиришга ғоятда масъулият билан ёндашилади. Бу борадаги режалар ортиғи билан бажарилади. Биргина ўтган йили 9600 нафар бола турли оромгоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқарди.

Жорий йил шаҳар ташқарисидаги 14 та стационар, мактаблар қошидаги 55 та кундузги оромгоҳда 9325 нафар бола дам олдирилиб, соғломлаштирилиши режаланган. Ҳозирда барча оромгоҳларда сўнгги тайёргарлик ишлари ниҳояланиб, қабул комиссияларига топширилмоқда.

Анжуманда ЎзКУФК бўлим мудири Ў.Адилов сўзга чиқиб, ёзги соғломлаштириш ишларини юқори савияда ташкил этиш борасида республикамизда олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритди.

Семинарда бултур болаларни соғломлаштириш мавсумида йўл қўйилган камчиликларга таҳлилий тўхталиб, жорий йилги мавсумни ташкил этишда мутасадди ташкилот ва муассасаларнинг вазифалари белгилаб олинди. Бу ҳақда вилоят ҳокимлиги, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ички ишлар, маданият ва спорт ишлари бошқармалари мутасаддилари, шунингдек, «Камолот» ЁИҲ, алоқа, савдо ташкилотлари масъуллари сўзга чиқиб, фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан атрофлича жавоб олишди.

**Ўз мухбиримиз**

# Таътил тараддуди

***Қорақалпоғистон касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан «Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича манзилли дастур» ижроси доирасида семинар ўтказилди. Унда республиканинг вазирлик ва ташкилотларидан масъул ходимлар қатнашди.***

Жорий йилда Оролбўйи болаларидан 10790 нафари ёзги оромгоҳларда мароқли ҳордиқ чиқаради. Шундан 3000 нафарига ватанимизнинг энг сўлим масканларида жойлашган оромгоҳларда бепул дам олиши учун йўлланмалар берилади.

Ўтган йиллардагига нисбатан жорий йилда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ёзги таътил даврини кўнгилли ўтказишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боисдан ҳам воҳада 26 та болалар дам олиш марказлари ташкил этилиши режалаштирилиб, бу борадаги ишлар ҳам якунига етай деб қолди.

— Болалар ёз мавсумини қувноқ ва кўнгилли ўтказишлари учун барча имкониятларни сафарбар этмоқдамиз, — деди республика касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Хасен Ермагамбетов. — Жами 7790 нафар бола 6 та шаҳардан ташқаридаги ва 20 та кундузги дам олиш марказларида соғломлаштирилади. Болалар марказлари Нукус шаҳри ва барча туманларимизда ташкил этилмоқда.

Кенгашда болаларнинг ёзги дам олиш масканларини мавсумга тайёрлаш борасида Амударё туманида олиб борилаётган ибратли ишлар намуна сифатида кўрсатиб ўтилди.

**Ортиқбой МАМУТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# «Ниҳол»да

***Яккабоғ туманидаги сўлим «Ниҳол» болалар оромгоҳида мавсумга ҳозирлик ишлари қизғин олиб борилаётир.***

— Оромгоҳимизда ўтган йили режадаги 1400 нафар ўрнига 1490 нафар болажон соғломлаштирилди, — деди биз билан суҳбатда оромгоҳ бошлиғи Абдураззоқ Исоқов. — Шунингдек, мавсум тугагач, юқори ташкилотимиз ҳисобланмиш Муборак газни қайта ишлаш заводи ишчи-меҳнаткашлари сўлим масканда ҳордиқ чиқаришди.

Соғлом бола йилида болажонларнинг мириқиб дам олиши учун 230 ўринли амфитеатр кенгайтирилиб, ўриндиқлар сони 400 тага етказилди.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдиришга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича ўқув-семинар ташкил этилди. Унда вилоят Мувофиқлаштирувчи гуруҳи вакиллари, бошқарма, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари иштирок этди.***

# Мавсум олдидан

Дастлаб мавсумга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ташкил этишда касаба уюшмаларининг роли, оромгоҳларда таълим-тарбиявий тадбирлар мажмуини ташкил этиш усуллари, малакали тиббий профилактик ёрдам кўрсатиш, жамоат тартибини сақлаш, алоқа, транспорт хизмати ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирларини уюштириш каби масалалар юзасидан маърузалар тингланди. Сўнг алоҳида гуруҳларда машғулотлар ўтказилиб, оромгоҳларда ишларни ташкил этиш бўйича батафсил маълумот берилди.

**Ў.ЎТАГАНОВ,**
**вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири**

● Жамоа шартномаси — амалда

***Ишхонани ҳеч бир муболағасиз муқаддас даргоҳ, дейиш мумкин. Чунки, киши бажараётган иши орқали ризқ топади, оиласи эҳтиёжларини таъминлайди. Катта-ю кичик корхона, ташкилот ёки муассасада меҳнат қилаётганларнинг бажарадиган ишлари ҳам, меҳнат шароитлари ҳам турлича. Шундай экан, ҳар бир ишчи-хизматчининг оладиган маоши меҳнатига яраша бўлиши керак. Бу эса бошланғич ташкилот етакчисига катта масъулият юклайди. Сабаби, у аъзоларнинг кўзи ва қулоғидир.***

# «Ишхона —

## дейди «Қўнғирот сода заводи» унитар корхонаси

**МУСТАҚИЛЛИК МЕВАСИ**

Истиқлол йилларида республикамизда барпо этилган йирик саноат мажмуаларидан бири бўлган Қорақалпоғистондаги «Қўнғирот сода заводи» шўъба корхонаси 2002 йил май ойида фаолиятини бошлаган. «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясига қарашли ушбу корхона калцинацияланган сода ишлаб чиқариш бўйича нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Калцинацияланган сода, шиша, қоғоз, совун ва кир ювиш кукуни каби маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, енгил, рангли металлургия сингари турли саноатларда маҳаллий хом-ашёларни қайта ишлашда қўлланиладиган ниҳоятда ноёб кимёвий модда саналади.

Қарийб 50 гектар майдонни эгаллаган ушбу мажмуада йилига 100 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади. Калцинацияланган сода ишлаб чиқаришда асосан аммиак, оҳактош ва ош тузидан фойдаланилади. Оҳактош ва ош тузи шу ҳудудда жойлашган «Борсакелмес» ҳамда «Жамансай» конларидан қазиб олинади. Аммиак моддасини корхонага «Ўзкимёсаноат» ДАК, «Электрокимёсаноат», «Навоийазот» ОАЖлари етказиб беради. Таъкидлаш жоизки, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш ўта мураккаб технологик жараён бўлиб, ишлар асосан компютерлаштирилган автоматик усулларда бажарилади. Шу боисдан бу ерда ишлайдиган ходимлар замонавий техника янгиликларидан бохабар, юксак билим ва малакага эга бўлишлари талаб этилади. Шуни инобатга олган ҳолда Президентимизнинг 2005 йил 13 апрелдаги «Қўнғирот сода заводи учун кадрларни мақсадли тайёрлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори билан корхона қошида Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртқи бўлими ташкил этилди. Бу ерда бакалавр йўналишида 192 нафар, магистратурада 20 нафар йигит-қиз таҳсил олмоқда. Институт филиали корхонага тегишли ҳудудда жойлашган бўлиб, шинам ва ёруғ ўқув залларига эга. Шунингдек, ўқув хоналари замонавий компютер ва техника, лаборатория воситалари ҳамда зарур ўқув дастгоҳлари билан жиҳозланган. Етук кадрлар тайёрлаш мақсадида Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат техника университети, Нукус давлат университети ва республикамиздаги нуфузли олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари жалб этилган. Шу билан бирга, 2009 йилда ташкил этилган 200 ўринли Қўнғирот кимё-саноати коллежида ҳам шу соҳа бўйича мутахассислар тайёрланади. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида бугунги кунда заводнинг кадрларга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қопланган. Айни пайтда бу ерда 1500 дан зиёд ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда. Шундан 80 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади.

**ИЖТИМОИЙ — ИҚТИСОДИЙ ҲИМОЯ**

Заводга қарашли Елобод қўрғонида 480 ўринли ётоқхона, ҳар бири 40 та оилага мўлжалланган бешта оилавий ётоқхона, ҳар бири ўн саккизта квартирага эга бўлган саккизта турар жой биноси мавжуд. Шунингдек, ҳудудда ходимларнинг фарзандлари таълим олиши учун 320 ўринли умумий ўрта таълим мактаби, болалар боғчаси, маданият, даволаш-профилактика маркази, ҳаммом, ошхона, кафе, новвойхона фаолият кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш йўналишида энг муҳим масала ойлик маошларининг муносиб белгиланиши ва ўз вақтида берилишидир. Корхонада тузилган жамоа шартномаси билан танишар эканмиз, бу борада қилинган ишлардан кўнглимиз тўлди.

Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси келишган ҳолда ягона тариф сеткаси бўйича ходимларга тўланадиган ўртача ойлик иш ҳақи республикада белгилан энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз бараваридан кам бўлмаслиги назарда тутилган. Ишчи-хизматчиларга тўланадиган ойлик маошлар банкнинг айби билан белгиланган муддатдан кечикканда Вазирлар Маҳкамасининг 188-ҳамда 264-сонли қарорларига биноан банкдан жарима тўлашни талаб қилиш, тижорат банкларидан кредит олиш эвазига тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш иш берувчига мажбурият сифатида юклаб қўйилган. Бундан ташқари, тўлов иш берувчи, бухгалтер ёки кассирларнинг айби билан кечиккан тақдирда уларга нисбатан ойлик маошнинг 30 ҳамда 50 фоизига қадар ёки мукофотдан маҳрум қилиш каби маъмурий жазо қўлланиши белгиланган. Меҳнат кодексининг 157- ҳамда 158-моддаларига биноан тунги сменада ишлайдиганларга ойлик тўлов 1,5 баробар, байрам, дам олиш кунлари учун иш ҳақи икки баробар оширилган тарзда тўланади. Хизмат сафарлари учун компенсациялар Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154-қарори, Молия вазирлигининг 2000 йил 7 февралдаги ҳамда Молия вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигида 2003 йил 24 июлда тасдиқланган қонун ҳужжатлари бўйича амалга оширилади. Шунингдек, хизмат сафари давомида иш бўйича сарфланган харажатлар учун тўлов Меҳнат кодексининг 171-, 172-, 173-моддаларига биноан 100 фоиз қопланади.

Умумхалқ ва касб байрамлари муносабати билан барча меҳнаткашлар республикада ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақининг уч

## Касаба уюшма аралашгач...

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари Н.Аҳмедова ҳамда М.Поянова ишдан ноқонуний бўшатилганлигини билдириб, мурожаат қилишди. Ариза Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ўрганилди.***

# Ходим ҳуқуқи тикланди

Ўрганиш жараёнида Н.Аҳмедованинг айни пайтда ҳомиладорлиги ҳамда М.Поянованинг қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзанди борлиги ва оиласида ундан бошқа иш ҳақи олувчи шахс йўқлиги инобатга олинмасдан ишдан бўшатилганлиги, бу билан Меҳнат кодексининг қатор талаблари бузилганлиги аниқланди. Хусусан, МКнинг 102-моддасида, меҳнат шартномаси технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан бекор қилинганда ходим камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантирилиши шарт деб кўрсатилган. Бироқ, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилишда қонуннинг ушбу талабини бажармаган.

Шунингдек, МКнинг 103-моддасида технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилиши белгилаб қўйилган. Қисқартирилаётган ходимларнинг малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда қарамоғида икки ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимлар, оиласида ундан бўлак иш ҳақи олувчи бўлмаган шахслар, мазкур корхонада кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимларга афзаллик берилади.

Иш берувчи МКнинг 237-моддаси талабларини ҳам бузган. Жумладан, ушбу моддага асосан ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди. Корхонанинг бутунлай тугатилиши бундан мустасно. Бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилиниши талаб қилинади.

Шунингдек, Ижроия Қўмита ички локал ҳужжатлари қарори, жамоа шартномаси ва низоми талабларига мувофиқ, ходимларга берилиши лозим бўлган мукофот ва 15 фоиз устама пуллари асоссиз берилмаган.

Юқоридагиларга кўра, касаба уюшмалари иш берувчига тақдимнома киритиб, ходимларнинг қонуний ҳуқуқларини тиклашни сўради. Бироқ, тақдимнома қаноатлантирилмагач, фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилинди. Натижада, ФИБ Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2014 йил 2 апреддаги ҳал қилув қарорига асосан ходимлар аввалги лавозимига тикланди. Н.Аҳмедовага мажбуран бекор юрган кунлари учун 2 млн. 181 минг 818 сўм иш ҳақи, 6 млн. 748 минг 550 сўм мукофот ва устама пуллари ундириб бериладиган бўлди. М.Пояновага мажбуран бекор юрган кунлари учун тегишли тартибда ҳисоб-китоб қилиш белгиланди.

**А.ҒАНИБОЕВ,**
**Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош юристконсулти**

## Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси

***Собир Яқубов болалигидан табобатга қизиқарди. Шу боис у 2003 йилда Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш факултетига ўқишга кирди. Талабалик даврида тиришқоқлиги ва интилувчанлиги билан тенгқурлари орасида ажралиб турди. Ёш олимлар илмий анжуманларида фаол иштирок этиб, турли танловларда ғолиб бўлди. 2010 йилда умумий хирургия йўналиши бўйича магистратурага қабул қилинди. Назарий билимларини мустаҳкамлаш баробарида Олмазор тумани тез тиббий ёрдам станциясида умумий амалиёт шифокори бўлиб фаолият кўрсатди. 2013 йилда илм даргоҳини тамомлаб, қадрдон Хивага қайтган ёш врач туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасида жарроҳ бўлиб иш бошлади. Бугунги кунда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни қалб амри, деб билган шифокор изланиш ва интилишда давом этмоқда.***

# Ёшлик — зангор фасл

Айтиш жоизки, «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови Собир Яқубов каби кўплаб фидойиларни кашф қилди. Қишлоқ хўжалиги, таълим, тадбиркорлик, умуман, барча тармоқларда истеъдодли, иқтидорли ёшлар кўплиги аён бўлди. Урганчдаги 1-академик лицей ўқитувчиси Юлдуз Машарипова улардан бири. У ҳар бир дарс, машғулотда ўқувчилар шуурини янги билимлар билан тўлдиришга ҳаракат қилади. Муаллима ўз фаолиятига янги педагогик технологияларни жорий қилиб, тажрибаларини мустаҳкамлашдан чарчамайди.

Хивалик кулол ҳунарманд Отабек Маткаримов эса оддий лойдан мўъжизавий гўзаллик яратади. Ясаган совғабоп маҳсулотларини чет эллик сайёҳлар севиб харид қилади. У кулоллар сулоласининг учинчи авлод вакили. Бобоси Маткарим Болтаев, отаси Абдулла Болтаев ўз даврининг машҳур ҳунармандлари саналган. Ўн йилдан буён ота ҳунарини давом эттираётган Отабек ўнлаб ёшларга кулолчилик сирларини ўргатиб келмоқда.

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, Савдосаноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, Хоразм Маъмун академияси, матбуот ва ахборот бошқармаси, Урганч давлат университети, ТАТУ ва ТТА Урганч филиаллари, вилоят Фермерлар кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг вилоят босқичида муносиблар сараланди.

— Мақсадимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда, шунингдек, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатининг изчил амалга оширилишида барча бўғиндаги касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш, ушбу йўналишга оид чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилишида яқиндан амалий ёрдам кўрсатиб боришдан иборат, — дейди бирлашма кенгаши раиси ўринбосари Камолжон Бекжонов. — Қолаверса, танлов ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий билим даражасини аниқлаш, ёш мутахассислар орасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш каби қатор вазифаларни ўзида мужассамлаган.

Натижаларга кўра, Ҳасанбой Искандаров «Энг фаол ёш фермер», Собиржон Яқубов «Энг фаол ёш шифокор», ҳазорасплик Нафиса Мирзаева «Энг фаол ёш тарбиячи», Юлдуз Машарипова ва Наргиза Камолова «Энг фаол ёш ўқитувчи» Илҳом Раҳимов «Энг фаол ёш олим», Музаффар Бекчанов «Энг фаол ёш дастурчи», Қаҳрамон Саидов «Энг фаол ёш қурувчи», Сарвар Матмуродов «Энг фаол ёш тадбиркор», Отабек Маткаримов «Энг фаол ёш ҳунарманд», Жалолиддин Юсупов «Энг фаол коммунал соҳа мутахассиси» дея эътироф қилинди.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши масъул ходими Шаҳбоз Саидхонов, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Полвонназир Қаландаров ва бошқалар бугунги кунда мамлакатимиз ёшларига улкан ишонч билдирилаётганлиги, келажак эгаларининг ўз иқтидорларини намоён қилиши учун яратилган имкониятлар ҳақида тўхталиб, ёшларни яна бир карра фаолликка ундадилар.

Танлов ғолиблари фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

***Жиззах агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги жамоалар ўртасида бўлиб ўтган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида Зомин туманидаги «Муртозақул» фермер хўжалиги раҳбари, 29 ёшли Дилшод Саидқулов биринчиликни қўлга киритди.***

# Интилганга толе ёр

Ўтган йили ёш тадбиркор Д.Саидқулов вилоят миқёсида ўтказилган «Энг намунали фермер» кўрик-танловида фаол иштирок этиб, биринчи ўринга сазовор бўлди ва «Микрокредит» банкнинг 15 миллион сўмлик кредит сармояси сертификатини қўлга киритди. Ана шу маблағ ҳисобига 1,5 сотих майдонда иссиқхона барпо этди. Ёш фермер бу билан чекланиб қолмади, қаровсиз ётган 1,5 гектар майдонда мўъжазгина боғ яратди.

Тадбиркорлик ва ташаббускорлик туфайли жамоада яна учта доимий иш ўрни яратилиб, улар жами 17 нафарни ташкил этди.

— Ишчилар касаба уюшма аъзолигига олиниб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари жамоа шартномаси орқали ҳимояси мустаҳкамланди, — дейди агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси Рустам Баҳриддинов. — Туманимиздаги барча фермер хўжаликларида ана шундай муҳим локал ҳужжат тузишга ҳамда улар ижросини таъминлашга эришаяпмиз.

Сўнгги икки йилда «Муртозақул» фермер хўжалиги томонидан «Зомин», «Сўғдиёна» футбол клублари ҳамда «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси»га 3.778.455 сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилганлиги ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ.

Хўжаликда меҳнат қилаётган ишчиларга, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга моддий кўмак бериб келинмоқда.

Фермер хўжалиги ўтган йили давлатга 53,3 тонна пахта, 34,4 тонна ғалла топшириб, шартномавий режани ортиғи билан бажарди. Ёш деҳқонлар жамоасининг жорий йилдаги шашти ҳам баланд.

— Касаба уюшмалари томонидан ўтказилаётган бундай кўрик-танловлар биз ёшларни янги марраларни забт этишга чорлайди, — дейди «Муртозақул» фермер хўжалиги раҳбари Д.Саидқулов. — Ҳамкасблар ўртасидаги танловда биринчиликни эгаллаганимиз зиммамизга алоҳида масъулият юклайди. Биз бундай шарафга муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз.

**Абдуманнап АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Жондор туман кенгаши томонидан ўтказилган «Ўз касбининг моҳир эгалари» танловининг ҳудудий босқичи ғолиблари сафида 44-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Мақсуджон Бобоев ҳам бор.***

# Ижодкор, изланувчан...

Ёш, янгиликка интилувчан, ижодкор ўқитувчини туманда кўпчилик яхши билади. М.Бобоев «Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар» танлови, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови вилоят босқичи совриндори бўлган. Унинг қуёш энергиясидан фойдаланиш масаласига бағишланган 15 дан ортиқ мақолалари халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-назарий конференцияларда муҳокама қилиниб, нашр эттирилган.

Мақсуд Бобоев мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида ўзи ва бир неча тумандошлари хонадонида самарадорлиги юқори бўлган гелиоиссиқхона ташкил этиб, қуёш энергиясидан унумли фойдаланаётир. Бу эса бир неча турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда қўл келмоқда. Ушбу ютуқларга ижодий меҳнат, изланувчанлик, энг муҳими, қалбда касбга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуси туфайли эришилаётир.

Диёримизда Мақсуджон Бобоев сингари ижодкор, изланувчан ёшларнинг кўпайиб бораётгани қувонарлидир.

**Жамол АШУРОВ,**
**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Жондор туман кенгаши раиси**

## Матбуот анжумани

***Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирни Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари Фурқат Халилов кириш сўзи билан очди.***

# Ҳамиша ардоқда

— «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ёшларнинг, жумладан, ногирон болаларнинг ижтимоий ҳимояси кенгайди ва уларга хизмат кўрсатувчи тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланди, — деди Фурқат Халилов. — Жумладан, вазирлик тасарруфида бўлган 10 га яқин тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. «Мурувват» уйларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, 1,5 минг нафар ногирон болалар учун уйидагидек шароит яратиш мақсадида охирги йилларда болалар «Мурувват» уйларида бир миллиард сўмга яқин қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

Вазирлик тизимидаги 2 та имконияти чекланганлар учун касб-ҳунар коллежларида ногиронлар тикувчилик, бичувчилик, компютер техникаси, бухгалтерия иши сингари касбларга ўқитилиб, битирувчилар тўлиқ иш билан таъминланмоқда.

Шунингдек, вазирликнинг ижтимоий ҳимоя бўлими бошлиғи Баҳодир Шаропов, вазирлик қошидаги ногиронларни реабилитация қилиш илмий маркази бошлиғи Шокир Қосимов ва бошқалар сўзга чиқиб, бугунги кунда ногирон фарзандларимизни жамиятга интеграция қилишнинг мустаҳкам пойдевори яратилганлиги ва ушбу долзарб йўналишда давлат органлари, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтишди.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Миллий матбуот марказида «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари педагог кадрлари аттестацияси: якун ва хулосалар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Давлат тест маркази томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари педагог кадрлари аттестацияси якунлари ҳамда ундан келиб чиқадиган хулосалар хусусида ахборот берилди.***

# Тизимли ёндашув

Айтиш жоизки, узлуксиз таълим тизимида банд бўлган педагоглар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларни аттестациядан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш юзасидан соҳага оид вазифалар бажариб келинмоқда.

Қайд этилганидек, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасида Мувофиқлаштирувчи 14 та комиссия олий малака тоифасига даъвогарлар аттестациясини ташкил этади. Шунингдек, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларида биринчи малака тоифасини 195 та, умумий ўрта таълим мактабларида эса иккинчи малака тоифасига даъвогарларни 9685 та комиссия аттестациядан ўтказади.

Йиғилишда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тизимидаги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари педагог ходимлари аттестациясини ташкил этишга доир маълумотлар ҳақида ҳам сўз юритилди. Бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти хусусида аниқ тушунчалар берилди.

**Раъно МАҲКАМОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

***«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг локомотив паркини янгилаш» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.***

# Истиқболли лойиҳалар рўёби

Таъкидландики, ўтган йиллар мобайнида янги темир йўллар, вокзал, станциялар қуриш, локомотив ва вагон паркини янгилаш, электрлаштириш каби кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилди. Айниқса, локомотив паркларини янгилаш борасида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Жумладан, локомотив парки ўнлаб замонавий электровозлар билан тўлдирилди. Айни чоғда уларнинг сони 100 тани ташкил этади. Бундан ташқари, 242 та магистрал, 258 та маневр тепловозлари фаолиятни яхшилашга хизмат қилмоқда. Компаниянинг эксплуатация қилинаётган паркида эса 75 та электровоз, 128 та магистрал ва 176 та маневр тепловозлари мавжуд.

Президентимизнинг 2012 йил 13 мартдаги «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК локомотивлар саройини янгилаш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ кўзда тутилган лойиҳа муваффақиятли амалга оширилмоқда. У Хитой Халқ Республикаси «ЭКСИМ» банки иштирокида 20 дан ортиқ «O'2EL» туркумидаги юк электровозларини харид қилишни назарда тутади.

Ўтган йил локомотив паркига яна 11 та замонавий юк электровози қўшилди. Ўзбекистон темир йўлчилари ҳамда хитойлик ҳамкорлар саъй-ҳаракати ўлароқ юк электровозларини лойиҳалаш ва тайёрлаш муддатларини қисқартиришга эришилди. «O'2EL» туркумидаги юк электровозлари ишлаб чиқарилишида илгари олиб келинган «Ўзбекистон» сериясидаги 12 та ҳамда «O'zbekiston yo'lovchi» сериясидаги йўловчи электровозларининг муҳандислик ва техник кўрсаткичлари такомиллаштирилди. Ўзбекистон мутахассислари муҳандислик ечимлари юзасидан билдирилган таклифлар инобатга олинди. Янги электровоз бир қанча афзалликларга эга.

Техниканинг энг сўнгги талаблари асосида ишлаб чиқарилган «O'2EL» туркумидаги юк электровозлари энергияни иқтисод қилади, эҳтиёт қисмлари экологик тоза ҳисобланади. Замонавий локомотивлар халқаро стандартларга тўла жавоб беради. Ушбу юк электровозларининг йўлга қўйилиши компания учун сезиларли даражада техник-иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб, электровозни таъмирлаш ишларидаги меҳнат 25 фоиз, маҳсулот сарф-харажати 40 фоиз, электр энергияси харажатлари эса 10 фоизга қисқаради. Ташиладиган поездлар оғирлиги 12 фоизга ошади.

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

# пирхона»

**касаба уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр АЛЛИЁРОВ**

баробари миқдорида, ишда жонбозлик кўрсатган илғор ходимлар эса бир ойлик маош миқдорида мукофотланади. Иш берувчи касабақўм билан келишган ҳолда ишда юқори сифат ва унумдорликка эришаётган ходимларнинг касбий маҳорати, малакаси учун қўшимча ҳақ тайинлаши мумкин. Шунингдек, қонун доирасида илмий даражага эга ва давлат мукофотларига сазовор бўлган ходимларга тегишли имтиёзлар асосида қўшимча ҳақ тўлаб борилади.

Юбилей ёшига тўлган ходимлар пул ва қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланиб, уларга дам олиш уйлари ва санаторийларга бепул йўлланмалар берилади. Меҳнатсеварлиги, интизомлилиги, бажараётган ишида мунтазам юқори натижаларга эришиб келаётган ёш оила вакилларига «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиринг компанияси томонидан бунёд этилган уй-жойлар имтиёзли шартларда берилиши, айниқса, ёш кадрларни қўллаб-қувватлаш борасидаги энг муҳим тадбирлардандир.

### ИШ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТЛАРИ

Меҳнат кодексига биноан иш шароитлари меъёрий талаблар даражасига жавоб берадиган ходимлар учун иш вақти ҳафтасига 40 соат қилиб белгиланган. 16-18 ёшлардаги шахслар, I, II гуруҳ ногиронлари, аттестация хулосасига биноан ноқулай иш шароитларида ишлайдиганларга 36 соатлик иш ҳафтаси жорий қилинган. Ходимнинг хоҳишига биноан ҳамда оила аъзоларидан бирортаси касалланганда, иш давомида ўқиётганларга, профилакторийларда соғлигини тиклаётганларга, иш ҳажми камайганда ва бошқа ҳолатларда тўлиқсиз иш куни жорий қилинади. Бунда бажарилган иш ҳажми ёки иш вақтига яраша ҳақ тўланади.

Ноқулай ва оғир меҳнат шароитларида ишлайдиганларга тариф ставкасидаги даражасига қараб меҳнат таътилига қўшимча таътил берилади. Шунингдек, 18 ёшга тўлмаган ва I, II, гуруҳ ногиронларига 30 календар куни доирасида узайтирилган таътил белгиланган. Икки ёки ундан ортиқ 12 ёшга тўлмаган фарзандлар тарбияси билан банд бўлган аёлларга ҳамда 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлнинг меҳнат таътилига уч кун қўшилади. Бундан ташқари, яқин қариндошларининг вафоти, никоҳ тўйлари муносабати билан ходимларга иш ҳақлари сақланган уч кунлик меҳнат таътили ҳам кўзда тутилган.

### МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

Ҳар йили иш берувчи билан касабақўм ўртасида меҳнат муҳофазаси бўйича келишув имзоланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сонли қарорига асосан иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамғарма ташкил этиб, ундаги маблағни ишчи-хизматчиларнинг иш шароитларини яхшилашга сарфлайди. Ҳар бир цех ва бўлимда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар тайинланган. Вакиллар сайлаб олингач, Адлия вазирлигидан 1995 йил 18 декабрда тасдиқдан ўтган Низом асосида улар бир ой давомида ўқитилади. Улар хавфсизлик техникаси ва иш жараёнида меҳнаткашларнинг меҳнат қуроллари ҳамда дастгоҳ ва жиҳозлардан фойдаланишда тегишли қоидаларга риоя қилишини назорат қилиб борадилар. Бунинг учун вакиллар ҳар куни асосий ишидан икки соатга озод этилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарорига биноан иш берувчига ходимларни меҳнат вазифасини бажариш чоғида бахтсиз ҳодисалардан ва касб касалликларига чалинишдан суғурта қилдириш шарти ҳам юкланган. Бундан ташқари, корхона раҳбари ҳар бир иш ўрни шарт-шароитларини яхшилаш учун меъёрий талаблар ишлаб чиқишга мажбур. Ишчи-хизматчининг меҳнат шароитлари ўзгарганда ёки вазифасини бажариш соғлигига тўғри келмаган тақдирда бу меъёрий талаблар ўзгартирилиб, тўловлар, компенсациялар, иш ва дам олиш вақтларининг тартиб-қоидалари бўйича ходимларга батафсил маълумот берилади. Эътиборга молик талаблардан яна бири — иш берувчи томонидан тегишли талаблар бажарилмаган тақдирда, яъни шахсий меҳнат муҳофазаси учун зарур бўлган воситалар билан таъминланмаган ҳолатларда ходим меҳнат вазифасини бажаришдан бош тортиши мумкин. Бу вақт учун унинг иш ўрни ҳамда ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

Иш ўринлари беш йилда бир маротаба аттестациядан ўтказилиб, унинг хулосаси асосида тегишли ходимларга ноқулай иш шароитлари учун тўланиши керак бўлган компенсациялар, барча турдаги махсус кийимлар, сут маҳсулотлари, шахсий гигиена воситалари бериб борилади. Шунингдек, меҳнаткашлар ҳар йили бир маротаба корхона ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказиб турилади. Тиббий хулосага биноан бажараётган меҳнат вазифалари соғлигига тўғри келмайдиган шахслар ойлик иш ҳақлари олдингисидан кам бўлмаган бошқа ишларга ўтказилади.

### ХУЛОСА ЎРНИДА

Жамоа касаба уюшма қўмитаси раиси билан суҳбатлашар эканмиз, унинг билимдон, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, дангал, бир сўзли инсон эканлигини пайқадик.

— Ишхона — пирхона, деб бежиз айтилмаган. Минглаб ходимларнинг манфаатларини ҳимоялаш, ишлаши учун зарур шарт-шароит яратиш катта масъулият талаб этади. Касабақўмлар жамоа аҳлининг ҳалол ҳақи таъминланиши, қолаверса, уларнинг соғлиги ва ҳаёти учун жавобгардирлар, — дейди «Қўнғирот сода заводи» касаба уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр Аллиёров.

Дарҳақиқат, ҳаётимизнинг асосий қисми ишхонада ўтади. Ўз вазифасини виждонан бажариб, ҳақини ҳалоллаб олган инсон ҳаётда кам бўлмайди.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Ishonch
2014-yil 3-iyun № 68 (3417)

# Жиззахда кўришгунча хайр, «Баркамол авлод»!

## Наманган шаҳрида «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларининг финал босқичи якунланди

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

...31 май куни «Навбаҳор» марказий стадионида ёшлик, баркамоллик байрамига айланган мазкур мусобақалар ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ёш спортчи ва санъаткорлар ижросидаги вокал-хореографик композиция билан «Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақаларининг тантанали ёпилиш маросимида йигирма мингдан зиёд томошабин олқишлари остида майдонга мусобақа иштирокчилари — Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари кириб келди.

— Президентимиз раҳнамолигида ёш авлод камолотига кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг самараси мусобақа кунлари она шаҳрим Наманганда янада яққолроқ намоён бўлди, — дейди Наманган юридик коллежи ўқувчиси Шаҳноза Дадамирзаева. — Мусобақаларда иштирок этган ёшлар бу ерга минтақавий босқичлар ғолиби сифатида келишган. Шундай экан, уларнинг ҳар бирини бемалол чемпионлар, дейиш мумкин. Олимпиадада ғолиблик эмас, иштирок этиш муҳим, деган гап бежиз айтилмаган. Бинобарин, «кичик Олимпиада» иштирокчиларининг ҳаммаси ғолиблардир.

Мусобақада энг кўп медал жамғариб, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоаси энг қадрли ва юксак соврин — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари қатнашчиларига табригининг асл нусхаси ҳамда Президент совғаси — «Дамас» автомобили билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган Наманган ва учинчи поғонадан жой олган Самарқанд вилоятлари жамоаларига Президент совғаси — «Дамас» автомобиллари топширилди.

— Қалбимдан кечаётган ҳаяжонни сўз билан ифодалаб беролмайман, — дейди Наманган туманидан меҳнат фахрийси Усмон Муҳаммадиев. — Ҳозир ёшларимизни олқишлаяпману, беихтиёр кўзларим ёшланиб кетмоқда. Уларнинг кўзидаги ўтни, юрагидаги шижоатни қаранг. Шундай ёшлардан фахрланмай, уларнинг ютуғидан ғурурланмай бўладими? Чунки мана шу ёшлар бизнинг келажагимиз.

Спортнинг 16 тури — баскетбол, волейбол, футбол, гандбол, шахмат, оғир атлетика, бокс, дзюдо, таэквондо WTF, эркин ва юнон-рум кураши, сузиш, енгил атлетика, теннис, стол тенниси, бадиий гимнастика бўйича беллашувларда 996 нафар йигит-қизлар иштирок этди. Мусобақалар ҳалол рақобат руҳида ўтди. Эпчил, чаққон ва кучли спортчилар ўз маҳоратини намойиш этиб, 652 олтин, кумуш ва бронза медал учун баҳс олиб борди.

— «Баркамол авлод — 2014» беллашувлари рекордлар ва унутилмас воқеаларга бой бўлди, — дейди Қашқадарё вилояти терма жамоаси аъзоси, 400 ва 800 метрга югуриш бўйича иккита олтин медал соҳиби Азизбек Самадов. — Мен ўз рекордимни яна бир бор такрорладим. Бу масофага югуриш бўйича 6 карра Ўзбекистон чемпиони бўлганман. Мақсадим — халқаро мусобақаларда юксак марраларга эришиб, Ватанимиз шарафини янада улуғлашга ҳисса қўшишдир. Ушбу мусобақалар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида спорт изчил ривожланиб бораётганини яна бир бор кўрсатди. Бу — Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг барча соҳалар, жумладан, спортда ҳам ўз истеъдодини кенг намоён этиши учун яратилаётган шароит ва имкониятлар самарасидир.

— «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларида Наманган вилояти ёшларининг умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашига ҳисса қўшганимдан хурсандман, — дейди теннис бўйича олтин медал соҳиби Ҳумоюн Султонов. — Юртбошимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги ва эътиборининг амалдаги ифодаси — Наманган шаҳрида қад ростлаган замонавий спорт иншоотлари навқирон авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ёшларга нафақат жаҳон стандартлари асосида билим бериш, балки уларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб вояга етиши учун шароит яратишдан иборат. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борадаги эзгу ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Баркамол авлод — 2014» дастури доирасида спорт мусобақалари билан бир қаторда кўплаб маданий-маърифий тадбирлар — таниқли спортчилар, ёзувчи ва шоирлар, маданият ва санъат намояндалари билан учрашувлар, Наманганнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил этилди.

...Стадион узра майин мусиқа садолари остида «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларининг байроғи туширилди. Уни наманганлик ёш спортчилар академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг навбатдаги финал мусобақасига мезбонлик қиладиган Жиззах вилояти вакилларига топширди.

— Навбатдаги «Баркамол авлод» мусобақасининг финал босқичи Жиззах вилоятида ўтказилиши биз учун юксак шарафдир, — дейди Жиззах олимпия захиралари коллежи сузиш бўйича мураббийси Ғайрат Усмонов. — Уч босқичли узлуксиз спорт тизимининг ўрта бўғини мусобақалари бизнинг вилоятимизда ҳам юксак савияда ўтишига ишонамиз.

«Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларининг машъаласи аста-секин сўнади. Бироқ у мусобақа қатнашчилари қалбига жо бўлиб улгурди, бундан буён уларнинг катта спорт сари йўлини ёритиб, янги ва янада улкан ютуқларга чорлайверади.

«Баркамол авлод — 2014» ўйинларининг ёпилиш маросими спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ва санъаткорларнинг катта концерти билан якунланди.

«Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Абу Бакир ЎРОЗОВ,**
**Акромжон САТТОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

***Инсон табиати шундай: яхши иш қилдингизми, рағбат кутасиз. Бу, албатта, мақтов бўлиши шарт эмас, энг муҳими, сиз эришган натижа атрофингиздагиларни бефарқ қолдирмаслигидир. «Яша, шу ишни қойил қилибсан!» деган эътирофни эшитиш қанчалик қувонарли.***

# Ишончингиз оқлаймиз!

Юртбошимизнинг куни кеча «Баркамол авлод» спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригида шу сўзларни эшитиб, очиғи, кўзимга ёш келди: «Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин: катта спортга интилган, бу йўлда эндигина ўзининг илк қадамини қўяётган ҳар қайси ёш спортчимиз бугун жаҳон майдонларида Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётган, номлари бутун Ўзбекистонда машҳур бўлган ўнлаб-юзлаб спортчилардан ўрнак ва ибрат олади. Шулар қаторида... стол тенниси бўйича халқаро турнир ғолиби Тоҳир Салимов... сингари истеъдодли ёшларимизнинг номларини бугун ҳурмат билан тилга оламиз». Юрт отасидан бундай эътирофни эшитиш нуфузли мусобақалар олдидан кишига куч-қувват бағишлайди. Қолаверса, фарзандининг ютуғидан сурурланган ота-онам кўзда ёш билан: «Ҳеч қачон назардан қолмагин! Сенга умид боғлаганлар ишончини оқлагин!», дея дуо қилишди. Отам Рустамжон Салимов бинокор уста, волидам Зулфия Камолова эса дўппидўз ҳунарманд. Уларнинг айтишича, биз яшаётган шароит, бугунгидек обод ва фаровон кунлар ўз даврида одамлар учун эришиб бўлмас орзу бўлган экан.

Айни пайтда коллежнинг 2-босқичини тамомлаётирман. Бу катта ҳаётнинг юксак ўлчовлари олдида арзимаган фурсат. Бироқ шу вақт ичида мен бугунгидек чексиз эътибор ва ғамхўрликни, ғолибликнинг сурурли онлари-ю, мағлублик сабоқларини ҳам тотишга улгурдим. Инсоннинг аслида кимлиги курашларда йиқилмаганлигида эмас, балки йиқилгандан сўнг аввалгидан-да ишонч билан қадам ташлай олганлигида белгиланади. Спортчининг метин иродаси, ғалабага бўлган иштиёқи ҳам шу тарзда шаклланади.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси сифатида кўплаб мусобақаларда иштирок этишга эришдим. Уч карра Ўзбекистон чемпиони деган номга сазовор бўлдим.

2009 йилда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида қатнашиб, 2-ўринни эгалладим. Ўша йили Рига шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда иштирок этиб, олтин медал ва махсус диплом билан тақдирландим.

2012 йилда бахт қуши яна бир бор бошимга қўнди. «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларида олтин медални қўлга киритишим ҳаётимда ўчмас из қолдирди.

Қадрдон шаҳримиз мезбон бўлган «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларида ҳам муносиб қатнашганимиздан бошимиз кўкка этди. Юртбошимиз эътибори ва эътирофидаги спорт байрамида иштирок этишнинг ўзи биз учун катта бахт.

**Тоҳир САЛИМОВ,**
**Стол тенниси бўйича Наманган вилоят терма жамоаси аъзоси, Чуст педагогика ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқувчиси**

Касаба уюшма улуши

***Ёшлик, камолот ва спорт байрами — «Баркамол авлод» ўйинларининг юқори савияда ўтиши учун вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳам ўзининг муносиб улушини қўшди.***

# ЭНГ МУҲИМИ, ЭЪТИБОР

Одатда, ҳар қандай гўзал воқеа уни эслатувчи воситалар билан хотирага муҳрланади. Шу мақсадда нуфузли жамоат ташкилоти ҳисобидан 56 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, спортчи ва тантана қатнашчиларига махсус туҳфалар тортиқ қилинди.

— Мусобақалардан сўнг ётоқхонамизга қайтсак, касаба уюшмаларининг дид билан жойланган совғалари хонамизни безаб турибди, — дейди андижонлик шахматчи Исмигул Тожибоева. — Мусобақа логотипи туширилган футболка, кепка, ручка ва миллий ҳунармандчилик маҳсулоти бўлган идишларга кўзимиз тушди. Кайфиятимиз янада кўтарилди. Эътибор учун каттадан-катта раҳмат!

**Ўз мухбиримиз**

**Гулистон шаҳридаги академик лицей биноси олдида вилоятнинг «Баркамол авлод» мусобақалари иштирокчилари тантанали кутиб олинди.**

# ТАНТАНАЛИ КУТИБ ОЛИНДИ

Унда вилоят ҳокими О.Ашурматов иштирок этди ва ёшларни муносиб иштироки билан табриклади. Сирдарёликларга биринчи (енгил атлетика) ва учинчи ўрин (футбол жамоаси) натижалари насиб этди.

Тадбирда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси К.Оқбўтаев қатнашди. Фаол иштирокчилар бирлашманинг қимматбаҳо совғалари билан рағбатлантирилди.

**Ўз мухбиримиз**

Таассурот

# Кучлилар ичра тобланиб...

— Бир неча кун ичида қадрдон бўлиб қолган Намангандан уй томон отланар эканмиз, мусобақа таассуротлари ортга яна бир бор назар солишга ундагандек бўлди, — дейди Қашқадарё вилоят делегацияси аъзоси, енгил атлетика бўйича мураббий Ёркиной Жуманова. — Шогирдларим билан олдимизга юксак мақсадларни қўйган эдик. Шукр, юзимиз ёруғ бўлди. Тиришқоқ шогирдим Азизбек Самадов 400 ҳамда 800 метр масофага югуриш бўйича олтин медал ва махсус диплом соҳибига айланди. Чаросхон Яҳёева эса баландликка сакраш бўйича 1 метру 60 см. ўлчамни забт этиб, учинчи ўринни қўлга киритди.

Бу натижалар ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Асли касбим педагог. Шаҳрисабз туманидаги 1-БЎСМда фаолият юритаман. Мураббийлик фаолиятимни бошлаганимга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ: 2010 йилдан бери енгил атлетика бораси да иқтидорларни кашф қилишга, болажонларни ўз устида ишлаб, имкониятларини намоён этишига ҳисса қўшиб келмоқдаман. Шогирдларимдан бир нафари Марказий Осиё, 4 нафари Ўзбекистон чемпиони деган номга сазовор бўлди. Бу ютуқларимиз замирида Юртбошимизнинг аёл мураббийлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги эътиборлари турганлигини алоҳида эътироф этишим лозим.

Икки нафар фарзандим ҳам спортнинг енгил атлетика тури ишқибози. Ўғлим Мирсаид Бухоров (1999 йил туғилган) икки карра Ўзбекистон чемпиони. Қизим Моҳинисо ҳам акасининг изидан бормоқда. Келажакда фарзандларим ҳам шогирдларим сингари юксак марраларни забт этишига ишонаман.

Кучлилар саралаб олинган спорт ўйинларида зафар қучиш ҳам шараф, ҳам масъулият. Энг муҳими, юксак марралар сари интилаётган қорақўз ўғил-қизларимиз учун ушбу беллашув том маънода дунёнинг энг нуфузли спорт ареналарига олиб борувчи олтин минбар вазифасини ўтаб беради.

**«Ishonch» мухбири**
**Дилдора РАҲМОНОВА**
**ёзиб олди.**



Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: N.Umarova

Bosishga topshirish vaqti -21.00
Topshirildi - 21.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 618 | 20543 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5